

“BIOKIMYO” АЖ нинг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини ва ўз ваколати доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг ХУЛОСАСИ

“BIOKIMYO” АЖ тафтиш комиссияси *А.Қаххаров, Ш.Қ.Маматов ва Ф.Ф. Қораев* аъзолигидаги таркиби акциядорларнинг 2020 йил 26 июндаги умумий йиғилишида тасдиқланган бўлиб, ўз фаолиятини 2014 йил 6 майдаги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-360 “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун талаблари, давлат бошқарув органларининг қонуний ҳужжатлари, жамиятнинг устави ва бошқа ҳужжатлари, акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган, тафтиш комиссияси ва унинг аъзолари фаолиятига тааллуқли ҳужжатлар асосида амалга оширади.

Мазкур ҳулоса ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2014 йил 6 майда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларининг ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонуни ҳамда жамият Уставига асосан жамиятнинг 2020 молиявий-хўжалик йили якуни бўйича тайёрланди.

Жамиятининг тафтиш комиссияси жамиятда ҳисобот йили давомида ўз назоратини олиб бориб, бошқарув органи томонидан тайёрланадиган ҳисоботларга ўз ваколати доирасида бўлимлар фаолияти юзасидан молиявий-хўжалик ва ҳуқуқий назоратни амалга оширди.

Ҳисобот йили давомида ички аудиторлар ва ташқи аудиторларнинг ваколати доирасидаги ҳисобот ва ҳулосалари ўрганиб чиқилди.

Шунингдек, махсулот ишлаб чиқарувчилар томонидан бюджетга тўловларнинг тўғри ва ўз вақтида амалга оширилиши, бошқа мажбуриятларнинг бажарилишини, жамият балансининг тайёрланишини, Давлат солиқ инспекцияси, Тошкент вилояти статистика бўлимига топшириладиган ҳисобот ҳужжатларининг тўғрилигини, жамият бошқарув органи қабул қилган қарорларнинг ҳаққонийлигини, уларнинг жамият Уставига, акциядорларнинг умумий йиғилиши қабул қилган қарорларига мувофиқлиги юзасидан текшириш ўтказилди.

Тафтиш жамият ҳисобхонаси томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботлар, бухгалтерия ҳужжатлари, бош китоб, бирламчи ҳужжатлари билан таққосланди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва бошқа норматив ҳужжатларга асосан амалга оширилганлиги аниқланди.

“BIOKIMYO» АЖ нинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти Ўзбекистон Республикасида этил ректификатланган спирт ишлаб чиқаришдан иборат бўлиб, жамият зарур моддий-техник ресурслари билан таъминланган, коммуникацияланган инфраструктурага эга ва юқори малакали ходимларнинг потенциалига эга.

Жамиятнинг Устав жамғармаси 9 569 744 минг сўмни ташкил қилиб, номинал қиймати 3 350 сўмлик, 2 856 640 дона оддий эгаси ёзилган нақдсиз акциялардан иборат, акциялар тўлиқ жойлаштирилган ва Устав тўлиқ шакллантирилган.

2020 йил якунига жамиятнинг Устав фонди қуйидагича тақсимланган:

Давлат активларини бошқариш агентлиги улуши -51 фоиз;

Бошқа юридик ва жисмоний шахслар -49 фоиз

Устав фондининг миқдори ҳисобот йилининг охирига қонунчиликда белгиланган миқдорда шакллантирилган.

Резерв капитали йил охирига 1 435 461,6 минг сўмни ташкил қилган.

Банкдаги ҳисоб рақамларда маблағлар ҳаракати ва кредитлардан фойдаланиш. Жамият ўз молия-хўжалик фаолиятини юритиш учун 2020 йилда АТБ «Ипак йули банк» Янгийўл филиалидаги ҳисоб-рақамларида иш юритган.

Жамиятнинг барча ҳисоб-рақамидаги пул кирим чиқимиға оид ҳужжатлар тафтиш қилинганда белгиланган тартибда муомалалар амалга оширилган кирим чиқимлар банк кўчирмалари тузилган бухгалтерия проводкалар ва бош китоб маълумотлари бир бирига мос келиши аниқланган.

Ходимларга иш ҳақи ҳисоблаш ва тўловлар бўйича. Жамиятнинг меҳнат ҳисоботи бўйича 2020 йил давомида ўртача 344 нафар ходим ишлаган.

Жамиятда 2020 йилда ходимларга ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, иш вақтини ҳисобга олиш табеллари, жамият бошқарув буйруқлари, тўлов ҳужжатлари асосида ҳисобхонада ҳисоб-китоблар счётида юритиб борилган ва иш ҳақидан мажбурий ушланмалар, ходимларнинг иш ҳақи бўйича ўтқазмалар, тўловлар ойма-ой амалга оширилган тегишли ушланмалар қилинган. Ҳисобланган иш ҳақлари солиқ ҳисоб-китоблари белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилинган тафтишда ва ички аудиторларнинг ҳисоботларида фарқлар аниқланмади.

Махсулотларни сотишдан тушумлар ва молиявий тафтиши. Жамиятда 2020 йил якуни учун тузилган 2-сонли шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни» йил давомида тузилган бухгалтерия ҳисоботлари, бош китоб билан таққослаб кўриб ўрганганилганда қуйидагилар аниқланди.

Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича молиявий натижалари қуйидагича бўлган:

- Жами сотилган махсулот – 238 490 876 минг сўм
- Махсулотларни сотишдан тушган соф тушум – 191 627 628 минг сўм
- Махсулот таннари – 152 765 198 минг сўм.
- Ялпи даромад -38 862 430 минг сўм.
- Давр харажатлари -15 549 420 минг сўм.
- Умумий фаолиятнинг фойдаси – 28 081 067 минг сўм.
- Молиявий фаолият бўйича харажатлар – 536 594 минг сўм
- Ҳисобот даврининг соф фойдаси – 23 373 708 минг сўм

Солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисобланиши бўйича. Жамиятда 2020 йил тузилган баланс ва бошқа ҳисоботлар якуни бўйича Давлат Солиқ органларига қуйидаги солиқлар бўйича ҳисоботлар тузилиб, ўз вақтида тафтиш давомида солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисобланиши Солиқ кодексининг талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилганлиги аниқланди. Текшириш давомида солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисобланишида фарқлар аниқланмади.

- ҚҚС – 9 905 064 минг сўм,
- акциз солиғи – 17 892 902 минг сўм,
- ягона ижтимоий тўлов – 2 438 890 минг сўм,
- даромад солиғи жисмоний шахслардан – 2 421 316 минг сўм,
- даромад солиғи юридик шахс – 4 707 359 минг сўм,
- бошқа солиқлар – 1 753 125 минг сўм.

Жами - 39 118 656 минг сўм ҳисобланган.

Жамият ҳисобхонасида ҳисоб-китоб ишлари Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун талаблари асосида юритиб келинган ва компьютер билан тўлиқ таъминланган, барча ҳисоботлар интернет орқали электрон шаклида назорат қилувчи органларга ўз вақтида тақдим этиб келинган.

Хомийлик тўловлари бўйича. Хомийлик ва беғараз ёрдамлар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 майдаги “Хомийлик тўғрисида”ги ЎРҚ-96 сонли Қонуни ва жамият акциядорларининг 2016 йил 28 январдаги умумий йиғилишида тасдиқланган ““BIOKIMYO” АЖ нинг хомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш шартлари, миқдори ва тартиби” га асосан амалга оширилади.

Ҳисобот йили давомида жами 397,34 млн сўм миқдорида Кузатув кенгашининг қарорлари асосида хомийлик ёрдами амалга оширилган.

Корпоратив бошқарув тизими аудити. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини яратиш юзасидан ҳам ўтган ҳисобот йилида тегишли чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, асосан жамиятнинг таъсис ҳужжатлари 2014 йил 7 майда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларининг ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунига ва Корпоратив бошқарув кодекси талабларига мослаштирилган, жамиятнинг расмий веб-сайти яратилган, жамиятга оид маълумотлар, содир бўладиган муҳим маълумот ва янгиликлар мазкур веб-сайтга жойлаштирилиб келинган, жамият томонидан тузиладиган бухгалтерия ҳисоботлар, статистика органларига бериладиган ҳисоботларни электрон шаклида интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда тақдим этилиши жорий этилган.

Жамият бошқарув органи томонидан доимий равишда белгиланган режа-топшириқларни бажариш, ортиқча харажатларни камайтириш, кўпроқ соф фойда олган ҳолда, жамиятда ишлаб келаётган ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг моддий ва маънавий рағбатлантирилиши юзасидан чоралар кўриб келинган.

Жамиятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4720-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа ўжалик юртувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан жамият фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида **самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари йил давомида** ҳисобланган, аудитор ташкилоти томонидан ҳулосалар билан тасдиқланган ва уларнинг йиғинди кўрсаткичи асосида Кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзолари рағбатлантирилган.

Кузатув кенгаши, ижроия органи аъзоларининг ва тафтиш комиссияси раисининг ҳисобот йили давомида ҳисобланган мукофот ва рағбатлантиришлар миқдори:

№	Ф.И.О.	Шахс аъзоси ҳисобланган эмитент органининг номи	Ҳисобланган мукофотлар суммаси (сўм)
1.	Axunov Rashid Ravilevich	Кузатув кенгаши	47 353 662,00
2.	Sultanov Akbar Anvardjanovich	Кузатув кенгаши	27 947 468,33
3.	Ximmatov Abdisamat Xalilovich	Кузатув кенгаши	13 793 334,33
4.	Uralov Erkinjon Kungirbayevich	Кузатув кенгаши	47 353 662,00
5.	Xurramov Odil Azamatovich	Кузатув кенгаши	47 353 662,00
6.	Ummatov Bekzod Xamzayevich	Кузатув кенгаши	47 353 662,00
7.	Nabiyev To'lqin Nabiyevich	Кузатув кенгаши	16 711 518,00
8.	Tugizbayev A'zam Abduraimovich	Кузатув кенгаши	19 089 173,00
9.	Elmirzayev Samariddin Eshquvatovich	Кузатув кенгаши	19 089 173,00
10.	Ishmatov Baxodir Nishanaliyevich	Кузатув кенгаши	27 947 468,33
11.	Qahhorov Azizjon Axror o'g'li	Тафтиш комиссияси раиси	14 166 211,00
12.	Mamatov Shavkat Quvonovich	Тафтиш комиссияси раиси	14 166 211,00
13.	Qoraev Feruz Fakhriddinovich	Тафтиш комиссияси аъзоси	14 166 211,00
14.	Xaydarov Ubaydulla Abdulayevich	Бошқарув	55 875 862,57
15.	Mirzayev Shuxratjon Erkinovich	Бошқарув	58 700 684,36
16.	Shamshiyev Sabir Sayfutdinovich	Бошқарув	50 025 666,75
17.	Ximmatov Abdisamat Xalilovich	Бошқарув	11 488 705,44
18.	Mansurov Ashur Ravshanovich	Бошқарув	17 462 905,87
19.	Alikulov Rustambek Abduqodirovich	Бошқарув	33 759 774,56
20.	Memetova Kevsere Asanovna	Бошқарув	57 344 919,07
21.	Turbayev Baxodir Daniyarovich	Бошқарув	37 481 107,99

22.	Xusanov Kaxramon Adixamovich	Бошқарув	53 912 904,76
23.	Karatayeva Mukaddas Yuldashevna	Бошқарув	48 709 660,46

Тафтиш комиссияси ҳисобот йили давомида жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар мавжудлиги, йирик битимлар тузилмаганлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир белгиланган талабларга риоя қилинганлик тўғрисидаги ҳулосалари кузатув кенгашининг чораклик ҳисобот йиғилишларида олиб чиқилган.

Аффилланган шахслар билан тузилган битим предметлари,

- аффилланган шахслари ҳисобланган озиқали спирт, алкоғолли, ликер-ароқ ва вино маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ташкилотлар билан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузиладиган, битим предмети жамиятнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган хом ашё ва материаллар, шунингдек жамият томонидан ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулот бўлган битимлар,
- хўжалик эҳтиёжи ҳисобланган хом ашёни сотиб олиш бўйича шартномалар,
- бошқа жамиятларга таъсисчи (иштирокчи) сифатида маблағ билан кириш бўйича таъсис шартномалари.

Дивиденд тўловлари тўғрисида. Жамият томонидан 2016-2019 йил якунлари бўйича ҳисобланган дивиденд тўловларининг бориши ва амалга оширилаётган чоратadbирлар тўғрисида ҳар чоракда кузатув кенгашида ҳисоби бериб борилган ва жамият ҳисобига қайтиб келган дивидендларнинг алоҳида ҳисоби юритилипти.

2020 йил 1 январ ҳолатига акциядорлар томонидан талаб қилиб олинмаган дивидендлар миқдори 125 879 497 сўмни ташкил этади. Ҳисобга қайтарилган дивидендлар уч йил ичида талаб қилинмагунга қадар дивидендларни тўлаш бўйича тadbирларни тайёрлаш, мувофиқлаштириш ва ташкиллаштириш амалга ошириб борилган.

Экспорт ва импорт шартномалар тўғрисида. Экспорт контрактлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 декабрдаги 1006-сон қарори билан тасдиқланган “Экспорт контрактларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низом” талабларига асосан тузилган ва экспорт қилинаётган товарни мониторинг қилиш ва ташқи савдо ҳисоботини ҳисобга олишни тартибга солиш мақсадида контракт маълумотлари Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида киритилган.

Жами Техник спирт сотиш бўйича - 18 500 дал 234 950 АҚШ долларлик

Истеъмол спиртини сотиш бўйича – 66 700 дал 852 300 АҚШ долларлик экспорт шартномалари тузилган.

Жамият акциядорларининг 2020 йил 26 июндаги умумий йиғилишида ушбу шартномалар маъқулланган.

Амалда 500 дал техник спирти ва 17 399,80 дал истеъмол спирти жами 230 086,90 АҚШ долларига сотилган.

2020 йил модернизация ва реконструкция дастури бўйича ёрдамчи эҳтиёт қисмлар ва икки дона 2 000 тн лик буғдойни сақлаш силосларини импорт шартномалари орқали харид қилиш режалаштирилган. Режалаштирилган харидлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-472 “Давлат харидлари тўғрисида” ги Қонунига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4812 қарорига мувофиқ тартибда амалга оширилмоқда.

Харидлар тўғрисида.

Жамиятда 2018 йил июнь ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги” ЎРҚ-472 сонли Қонунига асосан шартномалар тузилиши давлат харидлари махсус ахборот портали xarid.uz портали ёрдамида амалга оширилиши йўлга қўйилган. Тармоқлар ҳамда ҳудудлар таркибига кирувчи фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини Электрон кооперация порталига қамраб олиш мақсадида ташкил қилинган **cooperation.uz** дан рўйхатдан ўтказилган.

Давлат харидлари махсус ахборот порталининг **e-xarid** майдонида жамият товар айланмаси 2020 йил давомида 7 867,87 млн.сўми ва **e-shop** майдонида товар айланмаси 684.53 млн.сўми ташкил қилган (*Маълумотлар 7-илова қилинади*). Тузилган жами шартномалар 336 тани ташкил қилган.

Жамиятда харидларни амалга ошириш учун танлов ва тендерларни ўтказиш учун доимий комиссия тузилган. Ташкиллаштирилган танловлар 12 та бўлиб, **532,18 млн сўмлик** шартнома тузилган.

Жамиятда Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаси орқали қуйидаги хом-ашёларни ва ТМБ сотиб олиш ҳамда тайёр махсулотларни сотиш бўйича шартномалар тузилди.

Жамият тафтиш комиссиясининг 2020 йил якуни харидлари бўйича хулосаси:

1. Жамиятда 2020 йил давомида ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган хом ашё, электр энергия, табиий газ, ишлаб чиқариш ускуналари, асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмларини сотиб олиш учун экспорт контрактлари, жамият томонидан ишлаб чиқариладиган тайёр махсулотлар бўйича ҳамда Давлат харидлари махсус ахборот порталида товар моддий бойликлари ва хизматлар кўрсатиш бўйича битимлар тузилган (*маълумотлар 1-8 илова қилинади*).

2. Жамиятда 2020 йил давомида аффилиланган шахслар билан битимлар тузилган бўлиб, улар йирик битимлар ҳисобланмайди ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш бўйича қайд қилинган қоидалар уларга нисбатан татбиқ қилинмайди.

3. “BIOKIMYO” АЖ нинг аффилиланган шахслари ҳисобланган озиқали спирт, алкоғолли, ликер-ароқ ва вино махсулотларини ишлаб чиқарувчи ташкилотлар билан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузиладиган, битим предмети жамиятнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган хом ашё ва материаллар, шунингдек жамият томонидан ишлаб чиқариладиган тайёр махсулот бўлган битимлари жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида олдиндан маълумланган.

4. Жамият ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур бўлган “**Сизими 2 000 тн буғдойни сақлаш силослари**” ва “**БРУ линиясининг эҳтиёт қисмлари**”ни маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан (техник кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва муддатлари бўйича) харид қилиш имкони йўқлиги, ускуна ва нинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш микдорининг 50 минг бараваридан кам бўлган **импорт товар** ҳисобланиши инobatга олинсин ва ускунанинг корпоратив харидларини импорт орқали амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ва кузатув кенгашининг йиғилишида маълумланган.

5. Жамиятда истеъмол товарларининг ва бошқа товарларни (ишларнинг, хизматларнинг) сотиб олиш Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги” ЎРҚ-472 сонли Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сон қарорида белгиланган тартиб ва талаблар доирасида амалга оширилган, тузилган шартномалар рўйхати ва жамиятда ушбу Қонун доирасида харидларни амалга ошириш учун харид комиссияси доимий фаолият кўрсатиб келяпти (*маълумотлар илова қилинади*).

6. Жамиятнинг тармоқлар ҳамда ҳудудлар таркибига кирувчи фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини Электрон кооперация порталига қамраб олиш мақсадида ташкил қилинган cooperation.uz дан рўйхатдан ўтказилган.

Хулоса Жамиятнинг тафтиш комиссияси “BIOKIMYO” АЖ нинг 2020 йил молиявий фаолиятини текшириш якунларига кўра молиявий ҳисоботларидаги маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқлайди ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилганда қонун ҳужжатлари бузилмаганлигини хулоса қилиб тасдиқлайди.

Тафтиш комиссияси раиси *А.Қаххаров*
Аъзолари: *Ш.Қ.Маматов, Ф.Ф. Қораев*